

2025-yil  
21-noyabr,  
juma

# Farg'ona haqiqati



Ижтимоий-сиёсий ҳаёт:

## КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН "ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ" ВА САЙЁР ҚАБУЛ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбирни очган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев мамлакатимизда инсон кадри ва меҳнатини улуғлаш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш ва ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган изчил ислохотларда касабаси уюшмалари фаол иштирок этаётганини айтиб ўтди.

Жорий йилда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоят Кенгаши "Энг намунали ҳудудий кенгаш" деб топилгани ҳамда "Касаба ишончи" республика кўриктанловида биринчи ўринга сазовор бўлгани аҳамиятлидир. Фарғона вилоятида бугунги кунда касабаси уюшмалари хизмати ташкил этилган қорхона ва ташкилотлар сони 12 минг 736 тани ва аъзолари 700 минг нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида кенгашга 387 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 288 таси бўйича талаблар қаноатлантирилди, жамоавий мурожаатлар ҳисобига 515 нафар фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди. Ходимларга 14 миллиард 932 минг сўм миқдорда мажбурий прогнул қуллари учун ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди.

Касаба уюшмалари аъзолари ва ота-оналарининг 6 минг 776 нафари тизимдаги санаторийларда ўз соғлиқларини тиклашди, бунинг учун 28 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, 267 нафар ходимларга имтиёзли равишда бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Тадбирда Ўзбекистон касабаси уюшма-

лари Федерацияси раиси ўринбосари Қ.Қирғизалиев сўз чиқди.

Таъкидланганидек, касабаси уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Бунинг сабаби, энг аввало, ташкилотнинг халқ ичига чуқур кириб бораётгани, одамларнинг оғирини енгил қилиш, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишини ўзининг усту-

вор вазифаси сифатида белгилаб олганидир. Яқинда Президентимиз соҳа фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда касабаси уюшмалари ишига юксак баҳо бериш билан бирга, келгусидаги фаолият бўйича аниқ кўрсатмалар бергани алоҳида эътироф этилди. Зеро, тизимда кейин-

ги йилларда сезиларли ўсишлар, ютуқ-юксалишлар кузатилди. Ортадошларимиз барча соҳаларда касабаси уюшмасига аъзоликдан манфаат кўришмоқда.

Очиқ мулоқотда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга Федерация юридик бўлими мудири Ҳ.Примқулов, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш инспекцияси мутахассиси Н.Асадова тегishлича жавоб қайтардилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётган ижтимоий ҳамкорлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари  
Федерациясининг Фарғона вилояти  
кенгаши раиси маслаҳатчиси.



Футбол:

# SUPERLIGA

## "НЕФТЧИ"НИНГ ОЛТИНЧИ БОР ЧЕМПИОН БЎЛИШИГА БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ

Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилаётган "Нефтчи" футбол клуби тарихида ютуқлар, муваффақиятлар кўп бўлган. Жамоа собиқ иттифоқ чемпионатининг иккинчи лигасида, биринчи лигага ўтиш турнирларида ва шу лигада кучли жамоалар билан тенгма-тенг кураш олиб борган.

Мамлакатнинг олий лигаси ташкил этилган 1992 йилдаёқ жамоа Ўзбекистон чемпиони бўлди. Кейинги уч йил ичида ҳам пешқадамлик қилди. 2001 йилда бешинчи марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

Шунингдек, жамоа 9 карра қумуш, бир карра бронза ме-

даллари соҳиби ҳисобланади, 2 марта Ўзбекистон кубогини эгаллади. Тенгсиз ва кучли жамоа сифатида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Осиё мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ишончли ҳимоя қилди. 1994 йилда асосан "Нефтчи" ўйинчиларидан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё ўйинлари турнири ғолибига айланди.

(Давоми 4-бетда).



## ВИЛОЯТИМИЗДА ЖИГАР КЎЧИРИШ АМАЛИЁТИ БОШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИДА СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ЖУДА КАТТА ЎСИШ РЎЙ БЕРДИ. ДАСТЛАБ ЮРАКНИ ОЧИШ, СЎНГ БУЙРАК КЎЧИРИШ АМАЛИЁТЛАРИ ЎТҚАЗИЛДИ. 2018 ЙИЛДА ЭСА ИЛК БОР ЖИГАР КЎЧИРИШГА ҚЎЛ УРДИЛАР. БУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА 140 ДАН ЗИЁД БЕМОРГА ЯҚИНЛАРИ ЖИГАРИ КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИЛДИ.

Тўғри, бундай тиббиёт амалиётлари Тошкентда, марказда бўлар эди. Давлат раҳбарининг топшириғига кўра 2025 йилда дастлаб Андижон, сўнг Сурхондарё вилоятларида шундай нозик, ноёб жаррохлик амалиёти ўтказилди. Энди эса Фарғонада – Риштон туманининг Қипчоқ қишлоғидан бўлган Нафисахон Мавлоновага ўқаси Файратжон Полвоновнинг

жигаридан бир қисми кўчириб ўтказилди. – Бир ўғил, бир қизим бор. Хотиним жигар церрозига учраган, – дейди Эркинжон Мавлонов. – Риштонда даволанди, лекин кутилган натижа бўлмади. Кейин Фарғонага олиб келдик. Оиламиз аъзоларининг қон гуруҳи донорлик учун тўғри келмади. Шунда қайноғам жигарини берди.



– Турмуш ўртоғимни Россиядан қақирдик, – дейди Нафисахон Полвонова. – Шукурки, қон гуруҳи мос экан. Мен унинг қарорини қувватладим. "Сиз билан фахрланаман", дедим уларга.



– Бир неча йилдан буён жигар хасталиғи билан касалланган. Қон кетган. Беморни текширувдан ўтказдик. Уларга ўқалари жигаридан бир қисмини берадиган бўлди. Иккита жаррохлар жамоаси навбат билан операция қилдик, – дейди Ўзбекистон Миллий тиббиёт маркази жарроҳи, тиббиёт фанлари номзоди Шоҳжаҳон Маткаримов.

Ўн соатдан ортиқ давом этган жаррохлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Уни амалга оширган Марказий Осиё халқаро тиббиёт университети, Фарғонадаги вилоят кўп тармоқли шифохона ва Ўзбекистон Миллий тиббиёт маркази мутахассислари гуруҳ раҳбари, профессор Аъзамжон Бобононов натижадан мамнун эди.

– Кеча Марказий Осиё халқаро тиббиёт университети ҳамда Фарғонадаги кўп тармоқли шифохона мутахассислари билан ҳамкорликда беморнинг жигарини кўчириб ўтказдик, – дейди профессор Аъзамжон Бобононов. – Бу, нафақат Фарғона, балки мамлакат тиббиёти учун ҳам тарихий воқеадир. Эрталаб беморни кўриқдан ўтказдим. Ўзини яхши ҳис қиляпти. Жаррох учун энг муҳими – натижа. Тез кунда бемор соғайиб кетишига ишонаман.

Эндиги вазифа вилоятда инсон органларини кўчириб ўтказиш учун жаррохлар гуруҳини шакллантиришдир. Марказий Осиё халқаро тиббиёт университети мутахассислари кўмағида шундай гуруҳ мустақил ишлай олади.

Тиббиёт:

## ФАРҒОНАДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН ВА АМАЛИЙ МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ



Фарғонада шу кунларда тарихий воқеалар рўй берди. Дастлаб беморга жигар кўчирилиб ўтказилган бўлса, энди Марказий Осиё халқаро тиббиёт университети дунёнинг кўплаб мамлакатларидан соҳа олимлари келишди. "Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадри учун" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).



# ФАРҒОНАДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН ВА АМАЛИЙ МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда).

Анжуманнинг ялпи йиғилишда сўзга чиққан Туркиянинг етакчи тиббиёт олий ўқув юртли раҳбарлари, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ҳиндистон тиббиётининг таниқли ҳамда етакчи вакиллари Ўзбекистон бу соҳада ва малакали мутахассислар тайёрлаш борасида минтақада етакчи даражага чиқди, деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё халқаро тиббиёт университетида таълим олиш, юқори савиядаги шифокор бўлиш учун барча шароитлар муҳайё. Ўтказилган ноёб жарроҳлик амалиёти маҳорат мактаби бўлган бўлса, илмий анжуман фан ривожига улкан ҳиссадир.



— Марказий Осиё халқаро тиббиёт университети фаолияти ва шароитлари билан танишиб хайратда қолдим. Юқори малакали тиббиёт ходими ва шифокорини етиштириш учун барча шароитлар, илмий салоҳият етарли экан, — дейди **Марат Гариев** номидаги **Туркменистон тиббиёт университети профессори Гарабек Гошаев**. — Шунинг учун ҳам биз талабалар, ўқитувчи-профессорлар алмашиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ўзаро келишувга эришдик. Халқаро конференцияда туркменистонлик бир гуруҳ олимлар тиббиётни такомиллаштириш мавзуларида ўз маърузаларини эълон қилдилар.

Илмий-амалий конференция доирасида олим ва мутахассисларнинг шўъба йиғилишлари ва маҳорат дарслари ҳам бўлиб ўтди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ.**  
**Элёр ОЛИМОВ** олган суратлар.



**Нурилло МАМАСАДИКОВ,**  
“Central Asian medical university”  
халқаро тиббиёт университети ректори

“Central Asian medical university” халқаро тиббиёт университети ташкил этилгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида тиббиёт соҳаси учун замонавий ва юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган Марказий Осиёдаги етакчи олий таълим муассасаларидан бирига айланди.

Бу муваффақиятли тараққиёт йўли 2015 йилда ягона хусусий клиника фаолияти билан бошланган бўлиб, 2020 йилга келиб клиникалар сони 10 тага етди. Мазкур тиббиёт муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилда “Central Asian medical university” халқаро тиббиёт университети ташкил этилди.

Бугунги кунда мазкур нодавлат тиббиёт олий таълим муассасасида “Даволаш иши”, “Педиатрия”, “Стоматология” бакалаврият йўналишларида, шунингдек, магистратурада 6 та, клиник ординатурада 29 та ва докторантурада (PhD) 3 та мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Халқаро тиббиёт университетининг умумий инвестиция фонди ҳозирда 25 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Олийгоҳ 7 000 нафаргача талабани қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, замонавий ўқув бинолари, лабораториялар ва бошқа инфраструктура объектларини ўз ичига олади.

2023 йил сентябрь ойида университет ривожланишининг биринчи босқичи доирасида янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу босқич қурилиш харажатлари 11 миллион, ускуналарга сармоя эса 5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Сўнгги йилларда университетда замонавий ўқув бинолари, илмий-тадқиқот лабораториялари, амалиёт марказлари ва ахборот-ресурс базалари барпо этиш ҳамда жиҳозлаш ишлари давом эттирилди.

Таълим дастурлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Бу эса Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан келган 250 нафардан ортиқ хорижий талабаларнинг малакали таълим ва чуқур билим олишларини таъминлайди. Илми толиблар учун зарур барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Талабаларга 30 нафардан ортиқ фан докторлари, фан номзодлари тиббиёт соҳасида чуқур билим бермоқда. Ўқув қўлланмалари, таълим жараёни халқаро стандартларга мос.

Университетимизда хорижий олийгоҳлар билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам йўлга қўйилган. АҚШ, Туркия, Корея Республикаси, Россия, Беларусь ва бошқа давлатларнинг етакчи олийгоҳлари билан қўшма таълим дастурлари олиб борилади. Халқаро ҳамкорлар қаторида Озарбайжон тиббиёт университети, Кенбук Сиенсе Коллеге, Сеовон университети (Корея Республикаси), Тиназтепе университети, Ускудар университети (Туркия), Беларусь миллий техника университети, Го-

мель давлат тиббиёт университети, Сантьяго-де-Компостела университети (Испания), Қирғиз давлат тиббиёт академияси, Питтсбург университети, Стенфорд (АҚШ) олийгоҳлари номини алоҳида айтиб ўтишни истардим.

Университетимиз Бутунжаҳон тиббиёт мактаблари каталоги рўйхатига киритилган бўлиб, бу халқаро тиббий таълим стандартларига мувофиқлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, жорий йилда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида аккре-

кимматли тажрибаларни ўрганиш ва амалиётда қўллаш, ёш мутахассисларга халқаро тажрибадан сабоқ бериш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш йўлида катта аҳамиятга эга бўлди. Илмий-амалий анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан келган соҳанинг етакчи илмий ходимлари, юқори малакали шифокорлар, тиббиёт соҳасида катта тажрибага эга бўлган олимлар фикр-мулоҳазалари, амалий тажрибалари билан ўртоқ-

“Central Asian medical university”:

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЕТАКЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ



дитация ва сифатни таъминлаш бўйича Евроосиё маркази ташкилоти томонидан аккредитация гувоҳномасига эга бўлди. Шунингдек, ўз соҳасида катта муваффақиятларга эришган, давлат мукофотларига сазовор бўлган, илмий салоҳияти юксак педагоглар жамоаси шаклланиши эътирофга лойиқдир.

Шу ҳафтада университетимизда бўлиб ўтган “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман республикаимиз тиббиёт олийгоҳлари илмий салоҳиятини янада юксалтириш, жаҳон тиббиётидаги

лашдилар. Ўтган йиллар давомида юзлаб талабалар бакалаврият, магистратура, клиник ординатура дастурларини муваффақиятли якунлаб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Фарғона вилоятида аҳолига тиббий хизмат сифатини оширишга, халқимиз саломатлигини сақлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда халқаро тиббиёт университети нафақат олий таълим муассасаси, балки минтақамиз тиббиёт соҳасининг стратегик ривожланиш марказига айланган.



## ТИББИЁТДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА



**Есе САЛИҲҲУЛЛУ,**  
**Истанбулдаги Нишанташи университети**  
**вице-ректору:**

— Ўзбекистон тиббиёт учун малакали мутахассислар тайёрлашда катта ютуқларга эришди. Буни Фарғонадаги халқаро университет мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўқув ва амалий машғулотлар учун энг замонавий жиҳозлар, стимуляция имкониятлари яратилган. Қолаверса, бу ерда тиббиёт фани ривожланиб борапти. Конференция нуфузи бунинг исботи. Шунинг учун ҳам олийгоҳимиз Фарғонадаги Марказий Осиё халқаро тиббиёт университетини энг яқин ҳамкор сифатида танлади.

Биз анжуманда катта делегация билан иштирок этдик. Тадбир жараёнида Марказий Осиё халқаро тиббиёт университети ректори Нурилло Мамасадиков билан музокаралар олиб бордик ва ҳар икки томон учун манфаатли шартнома имзоладик. Унинг барча бандлари келгуси ўқув йилидан тадбиқ этилади.



**Эмрах ИПЕК,**  
**Нишанташи университети профессори:**

— Биз Марказий Осиё халқаро тиббиёт университети билан ҳар икки томон учун ҳам манфаатли шартнома имзоладик. Унга кўра, энди талабалар 3х3, яъни уч йил Фарғона ва уч йил Истанбул Нишанташи университетида тахсил олади. Олий маълумот олганликлари ҳақида уларга иккита тенг кучли халқаро диплом берилади. Биттаси Туркияники бўлиб, у дунёнинг барча мамлакатларида ишлаш ҳуқуқини беради. Келгусида тиббиёт соҳасидаги илмий ишларда ҳам шу каби ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширмоқчимиз.

## МУҲИМ ТАКЛИФ ВА ҲОЯЛАРИМИЗНИ ОЧИҚЛАДИК

**Жанибай АРЫНБАЕВ,**  
**Марказий Осиё халқаро тиббиёт**  
**университети президенти,**  
**профессор (Қирғизистон):**

— Конференция тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни халқаро миқёсда муҳокама қилиш, жаҳон тажрибасининг илғор моделларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. “Инсон қадри” ғояси бугун тиббиётнинг марказий нуқтасига айланган, шу боис, анжуман мавзуси ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Бугун тиббиёт тизимида инсон саломатлиги, унинг ҳаётий манфатларини биринчи ўринга қўйиш барча давлатлар учун стратегик вазифа ҳисобланади. Тиббиётдаги



муаммолар кўп ҳолларда умумий бўлиб, уларни биргаликда ҳал этиш, кадрлар алмашинувини йўлга қўйиш ва илмий изланишларда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш самарали бошқарув моделлари бўйича ишончли, амалий ҳулосалар чиқаришга имкон беради.

Анжуман давомида қирғизистонлик ҳамкасбларим билан тиббиётнинг айрим йўналишларини ривожлантиришга қаратилган муҳим таклиф ва ҳоаяларимизни очиқладик. Улар халқаро мутахассислар томонидан қўллаб-қувватланди.

## КАТТА ИЛМИЙ ЖАМОАНИ БИРЛАШТИРА ОЛДИК

**Надире КАНТАРЖИЎҒЛИ,**  
**Туркия халқаро илмий**  
**тадқиқотлар ва стратегияларни**  
**ривожлантириш уюшмаси**  
**президенти:**

— Дунё тиббиёти йилдан-йилга ривожланиб борапти. Бу соҳадаги ислохотларнинг барчаси — инсон қадри учун. Биз ўзаро тажриба алмашиш, илғор лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўнга яқин мамлакатларда мақсадли анжуманлар ташкил қилаймиз. Ҳар бир мамлакатнинг тажрибаси, тиббиёт тизимидаги ёндашуви, ислохотлари бир-бирини бойитиб борапти. Ўтказилган тадбирлар орқали катта илмий жамоани бирлаштира олдик.

Фарғонадаги конференция



минтақадаги ислохотларнинг амалда қандай самара бераётганини намоён этди. Марказий Осиё халқаро университети билан бир неча йўналишда узоқ муддатли ҳамкорликни амалга оширяпмиз. Муассасанинг очиклик сиёсати, кадрлар тайёрлашдаги замонавий ёндашуви ва илмий-тадқиқот ишларига қаратилган эътибори биз учун жуда муҳим. Амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва юксак даражадаги ташкилий ишлар ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамламоқда.

## ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ТАРАФДОРИМИЗ

**Абдуманнон САИДОВ,**  
**Абу Али ибн Сино номидаги**  
**Тожикистон давлат тиббиёт**  
**университети профессори:**

— Тожикистон тиббиёт тизими ҳам сўнгги йилларда инсон саломатлигини устувор йўналиш сифатида белгилаб, бир қатор янгиланиш ва технологияларни жорий этмоқда. Шу боис, бундай халқаро анжуманларда иштирок этиш қўшни мамлакатлар билан ўзаро интеграциялашувда жуда муҳим.

Тиббий профилактика, ўткир юқумли инфекция қасалликларнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш,



чегараолди ҳудудларда тиббий хизмат сифатини яхшилаш каби йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз.

Минтақада умумий ёндашув ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш орқали тиббиёт хизматини янада самарали қилиш мумкин. Анжуманда турли фикр ва қарашлар билдирилган бўлса-да, уларнинг барчаси инсон саломатлигини асраб-авайлашга қаратилгани билан умумийлик касб этади.



# Томорқалардаги КИЧИК ФЕРМАЛАР

аҳолига арзон ва сифатли гўшт  
етказиб бермоқда

Бағдод туманида аҳоли дастурхонига сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш, бу орқали озиқ-овқат хавф-сизилигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида мол боқиси ихтисослашган тадбиркор-лик фаолияти йўлга қўйилди.



Аниқроқ айтганда, тадбиркорлик фаолиятининг бу тури билан шуғулланмокчи бўлган фуқаролар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ҳам ўзини, ҳам беш-олти нафар ҳамқишлоғини муқим ва сердаромад иш билар таъ-

минлади. Зотдор қорамолларни бир жойда, ветеринария қоидалари асосида парваришлаш жараёнида туман ветеринария ва чорвачилик бўлими ходимларининг хиссаси катта. Бўлим бошлиғи Ҳайратжон Хўжамқуловнинг айтишича, "2-Бағ-



дод" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Қашқар маҳалласида яшовчи Аббосжон Абдуллаев ўз ховлисида кичик ферма фаолиятини йўлга қўйди.

Фермада зотдор қорамоллар рацион асосида тўғри озиқлантирилиши, ветеринария хизматининг ўз вақтида кўрсатилиши ва парвариш яхши йўлга қўйилгани кутилганидан зиёд натижа берди. Якка тартибдаги тадбиркор Аббосжон маҳалла аҳолиси эҳтиёжини тўла қондириб, ортган гўшт маҳсулотини бозорга чиқариш орқали барқарор даромад топапти.

— Томорқада ташкил этган кичик фермада 70 бош қорамол парвариш қилялман. Уларнинг 60 таси боқувга қўйилган. 10 таси сигирлар. Менга 5 нафар маҳалладош йигитлар ёрдам беради. Фаолиятимизни ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаган эдик. Ҳозирга қадар истеъмолчиларга 20 тонна гўшт етказиб бердик. Маҳалламиз ахли шу ернинг ўзига ташкил этилган дўкондан арзон ва сифатли гўшт харид қилишяпти, — дейди Аббосжон Абдуллаев.

Туманининг "Қоракўл" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи йўлчинон Хожиматов ҳам ўз ховлисида ихчам ферма

ташкил этиб, чорвачилик билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлардан. Айни пайтда унинг фермасида 100 бош зотдор қорамол парваришланмоқда. 6 нафар йигитларни иш билан таъминлаган.

— Ҳозирга қадар хонадонлар томорқасида 10 дан ортиқ ана шундай чорвачилик фермалари фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди туман ветеринария ва чорвачилик бўлими бошлиғи Ҳайратжон Хўжамқулов. — Уларнинг ҳар бирида ҳозир 30 бошдан 100 бошча қорамол боқилляпти. Биз чорва молларининг соғлом ва белгиланган рацион асосида парваришланишини қатъий назорат қилиб бораёلمиз. Ихчам фермалар соҳиблари томонидан етказиб берилган маҳсулот ҳажми 100 тоннадан ошди. Туманимизда 56 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Мақсадимиз ҳар бир маҳаллада камида 2-3 тадан ана шундай якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдир.

Абдужалил  
БОБОЖОНОВ.

## СИЁСАТ, АМАЛИЁТ ВА НАЗОРАТ ЧОРАЛАРИ

ДАВЛАТ ҚОРХОНАЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ЖАРАЁНИДА "КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМЛАРИ" — ISO 37001:2025 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Коррупция — бу шахснинг мансаб ва қолатидан ҳар қандай кўринишда қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши бўлиб, ижтимоий муносабатлар ривожига салбий таъсир кўрсатувчи, шунингдек, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишини сезиларли даражада мураккаблаштирадиган, бошқарувда айрим гуруҳларнинг шахсий манфаатлари жамият ва давлат манфаатларидан устун бўлишини таъминловчи тизимли характердаги институционал хавфли ҳодисадир.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Коррупцияга қарши курашиш узоқ истиқболга мўлжалланган ва муайян жамиятда яшовчи ҳар бир шахсдан катта масъулият талаб этадиган жараёндир. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир".

"Иссиқлик электр станциялари" АЖ "Фаргона ИЭМ" филиалида Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ва "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги "Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш "Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимлари" — ISO 37001:2025 халқаро стандарти талаб ва тавсияларини босқичма-босқич жорий этиш билан параллел равишда амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳужжат (ISO 37001:2025) халқаро амалиётни акс эттириб, ҳар қандай мамлакатларда қўлланилиши мумкин. У барча секторлардаги кичик, ўрта ва йирик ташкилотларга, шу жумладан, давлат, ҳусусий ва хижорат ташкилотларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ташкилот дуч келадиган коррупциянинг юзга келишига оид таваккаллари ташкилотнинг кўлами, ушбу ташкилот фаолият юритадиган жой ва сектор каби мезонларга, шунингдек, унинг фаолият юритиш туси, кўлами ва мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Ушбу ҳужжат ташкилот томонидан коррупция ҳолатларининг юз бериши таваккалларига муносиб равишда сиёсат, амалиётлар ва назорат чоралари олиб борилишини белгилайди.

"Иссиқлик электр станциялари" АЖнинг 2025 йил 1 июлдаги "Иссиқлик электр станциялари" АЖ марказий аппарати, тизим қорхоналари ва филиалларида "Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 189-сонли буйруғи билан тегишли ички идоравий ҳужжатлар иш-

лаб чиқилган ва жорий этилган.

Таъкидлаш жоизки, аксарият ривожланган, шу жумладан, коррупция даражаси минимал бўлган давлатларда ушбу иллатга қарши курашишда асосан превентив усуллар қўлланилади. Бу шуни англатадики, аввало, коррупцияни келтириб чиқараётган шарт-шароитлар, яъни унинг "ўчоғи"га барҳам бериш кутилган натижани беради. Бошқача айтганда, барча сазй-ҳаракатлар оқибатларга эмас, балки коррупциянинг омилларни бартараф этишга қаратилиши лозим ва бу борада илмий-методологик ёндашувга асосланиш мақсадга мувофиқ.

Давлат ташкилотлари ва муассасалари доирасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган превентив чоралар қуйидагилардан иборат:

- Институционал превентив чоралар — ички назорат тузилмасини ташкил этиш, одоб-ахлоқ қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, ташкилотлар тасарруфидagi жамоатчилик кенгашлари, касаба уюмалари фаолиятини жадаллаштириш, коррупциявий ҳолатлар бўйича маълумот берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш.
  - Ташкилий-ҳуқуқий превентив чоралар — коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш, ташкилот раҳбарларини дискрецион (маълум бир ваколатлар) ваколатларини қамайтириш, инсон омиллини қисқартириш, замонавий АКТларни жорий этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, ОАВ ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ҳамкорлиқни кучайтириш.
  - Маънавий-маърифий чоралар — ходимларнинг касб одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз рияз қилиши, коррупцияга қарши курашиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларини доимий равишда ошириш, хизматда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва унга содиқлик билан ёндашиш, коррупциявий ҳолатлар тўғрисида ўрнатилган тартибда тегишли ташкилот ва идораларга маълумот бериш борасида мунтазам ўқитиш тизимини жорий этиш, мавзуга оид тарғибот ишларини мунтазам равишда амалга ошириш.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлимларини мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридa коррупцияга қарши ички назорат бўлимларининг устувор вазифаларидан бири сифатида давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш, давлат харидлари бўйича превентив ўрганишларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилган.

Э. ҲАМИДОВ,

"Иссиқлик электр станциялари" АЖ "Фаргона ИЭМ" филиали директори.



## КОРРУПЦИЯ

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
КУШАНДАСИДИР

## ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

Инсониятга хос қўсурлар орасида энг ёмони коррупциядир. Жиноятнинг оғир тури ҳисобланган бу иллат жамият тараққиётини ортга суриб, одамлардаги ҳалоллик, тўғрилиқ, поклик туйғуларига зарар етказадиган, келажакка ишончини сўсайтиради, иқтисодий тараққиётга жиддий хавф солади.

Коррупцияга қарши дунё миқёсида кураш олиб борилаётгани бежиз эмас. Шунга қарамай, порахўрлик, таъмагирлик, шахсий манфаатни умумманфаатдан устун қўйиш, нафсга қуллиқ, афсуски, қамай-маяпти. Бундай мудҳиш хатолар ҳамюртларимиз орасида ҳам учраб турибди.

Янги Ўзбекистонни коррупциядан холи, соғлом ва шаффоф жамиятга айлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор мақсадидир. Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан коррупцияга қарши курашиш борасида мустақкам қонуний база яратилиб, тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчил олиб боришмоқда.

2017 йил 3 январь куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда бу иллатга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда кенг қамровли чора-тадбирлар ва нормалар белгиланган. Энг муҳими, халқимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргаликда унга қарши муросасиз кураш олиб бориб, таъсирчан жамоатчилик назоратини босқичма-босқич ўрнатмоқда.

Жорий йил 5 март куни Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида ҳар бир соҳада коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш зарурлигини айтиб, "Коррупциянинг олдини олиш — давлат хизматига профессионал ва фидоий кадрларни танлаш ҳамда уларни "халоллик ваққинаси" билан эмлашдан бошланади" дея таъкидладилар.

Юртимизда бу иллатнинг олдини олиш, таъмагирлик ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, ҳар қандай ноқонуний ҳаракат охири-оқибат жазосиз қолмаслиги ҳақида кўплаб профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш, бу борадаги хавф-хатарларни бартараф этиш, соҳада шаффофликни таъминлаш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Бюрократик тўсиқларни йўқотиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш йўлидаги сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади.

Давлатимиз раҳбари қурилишни "коррупциясиз соҳа"га айлантириш ҳақида гапирганда, барча қурилиш шартномалари рақамлаштирилиши, пудратчиларнинг ишлари фақат электрон ҳисоб-фактура асосида молиялаштирилиши ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилишини маълум қилган эди.

Фаргона вилоят ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида комплекенс назорати тизими самарали йўлга қўйилган. Мазкур тизимнинг асосий мақсади — ходимлар фаолиятида қонунчилик талабларига рияз этилишини таъминлаш, манфатлар тўқнашувининг олдини олиш, коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг давлат

идораларига бўлган ишончини оширишдан иборат.

Жамият ҳаётига катта хавф соладиган иллатга қарши курашиш, унинг олдини олиш мақсадида қурилиш объектларига кузатув камералари ўрнатилиб, иш жараёнларини бевосита монитор орқали кузатиб туриш имконияти яратилди. Фуқароларга қўлайлик яратиш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида ҳар бир янги объектда QR кодли паспорт бўлиши мажбурий этиб қўйилди. Шунингдек, инспекторлар бодикамералар билан таъминланди. Маъмурий баёномалар расмийлаштириш ва ёзма кўрсатмалар бериш жараёнлари планшетлар орқали Е-маъмурий электрон тизими орқали амалга оширилмоқда.

Қурилишларни давлат рўйхатида олиш, хабарнома юбориш, фойдаланишга топшириш каби ишлар ҳам тўлиқ рақамлаштирилиб, электрон шаклга ўтказилган. Барча йўналишларда рақамлаштириш орқали инсон омиллини қамайтириш ва шаффофликни таъминлаш имконияти яратилган.

Ҳар бир фуқаро, аввало, ўз он-ида, қалбида ҳалоллик, тўғрилиқ, қонунларга итоаткорлик туйғусини шакллантирса, жиноятга жазо муқаррарлигини ҳис этса, меҳнат фаолиятини масъулият билан, виждон билан бориш лозимлигини англаса, бундай қўпол қонунбузарликка асло йўл қўймайди.

Комплеенс назорати доирасида ҳар ойда ходимлар учун ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Ички хизмат интизоми ва этикасини мустақкамлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Коррупцияга йўл қўйиш инсоннинг асли қимлигини, эътиқоди, маънавияти қай даражада эканлигини ошқор этиши, обрўсини ер билан битта қилиши, оиласи, ақиллари учун иснод, бир умрлик тамга бўлиб қолиши, бунга қарши жазо муқаррарлиги ўқтирилипти. Ҳар бир мурожаат ва аризани қонуний асосда, ҳолислик тамойилига таянган ҳолда кўриб чиқишли қатъий назоратга олинган.

Коррупцияга қарши курашишда унинг оқибатлари эмас, балки келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш муҳимдир. Коррупция ўрнини шаффофлик эгалласа, соҳада ишлар даражаси ўзгаради, яъни сифати ошади. Шу сабабли, жамоатчилик назорати механизмларини янада кучайтиришимиз зарур.

Комплеенс назорат фақат текширув ёки жазо чорасини қўллаш тизими эмас, балки хизмат маданиятини ошириш ва фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган самарали бошқарув воситаси ҳисобланади. Шундай экан, биз келгусида ҳам соҳа фаолиятида ошқоралиқ, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашдан, коррупцияга қарши собитқадамлик билан курашишдан чекинмаймиз.

**Бобур-Мирзо ЭРҒАШЕВ,**  
вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Комплекенс назорати бўйича бош мутахассиси.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР УЧУН ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШГА КЎРА, АЙРИМ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАЗОНИ ЎТАБ БЎЛГАНIDАН КЕЙИН СУДЛАНМАГАН ДЕБ ҲИСОБЛанади.

Ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган ҳисобланади, бундан ўта оғир жиноятлар ёки содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлган кейин ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар қасддан янги жиноят содир этиш ҳоллари мустасно.

Жиноят кодексининг 77-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ўта

оғир бўлмаган жиноят содир этган ўзига тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлган вояга етмаган шахс судланмаган деб ҳисобланади. Яъни, у шахснинг судланганлик ҳолати қонун бўйича бекор бўлади ва унинг ҳуқуқий мақоми судланмаган шахс мақомига тенглаштирилади.

Бундай ўзгартаришни киритишдан кўзланган мақсад — вояга етмаганларнинг ҳаётга ижтимоий қайта мослашишини осонлаштириш, судланганлик қайдномаси ўсмирнинг ўқиши, ишга жойлашиши ва жа-

миятдаги мавкеига жиддий таъсир қилади. Судланмаган деб ҳисоблаш орқали уларга "иккинчи имконият" берилади, судланганлик билан боғлиқ ижтимоий босим ва камситиш ҳолатларини қамайтиришга хизмат қилади.

Ўта оғир жиноятни содир этган ва қасддан содир қилган жиноят учун жазони ўтаб бўлган шахс томонидан қасддан жиноят содир қилганлик учун бу имтиёз татбиқ этилмайди. Бундай вазиятда вояга етмаган шахс жазони ўтаб бўлса

ҳам умумий қоидаларга мувофиқ судланган деб ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш муҳими, вояга етмаган шахс, 18 ёшга тўлгунга қадар ўта оғир жиноят содир этмаган бўлиши, ўз жинояти учун тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлиши, жазони ўтагандан кейин қасддан яна жиноят содир этмаслиги зарур.

Агар шахс қасддан содир қилган жинояти учун судланмаган деб топилигандан кейин қасддан янги жиноят содир этса, унга нисба-

тан "судланмаган" деб ҳисоблаш тўғрисидаги норма қўлланмайди. Яъни, бу қоида жиноятни такроран қасддан содир этувчиларга нисбатан амал қилмайди.

Қўшимча чеклов имтиёзини суистемол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, жамият хавфсизлигини таъминлаш ва вояга етмаганларни қайта жиноят содир этиш эҳтимолини қамайтиришга қаратилган.

2025 йилдаги ушбу ўзгартиш — Ўзбекистонда вояга етмаганлар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни жамиятга ижобий интеграциялаш ва қайта тарбия қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқий қадамдир. Энди ўта оғир бўлмаган жиноят содир этиб, жазони ўтаб бўлган ҳар бир ўсмир ўз ҳаётини судланганлик тамғасисиз янгидан бошлаш имконига эга бўлади.

**Қобилжон МУТАЛИЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судининг судьяси.



## Ўтганлар ёди



ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ, ДОЦЕНТ, ОЛИЙ ТОИФАЛИ СУХАНДОН ЎКТАМ ЖОБИРОВ 1932 ЙИЛДА ФАРҒОНА ТУМАНИНИНГ АВВАЛ ҚИШЛОҒИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАН ЭДИ. У ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ БИТИРГАНДАН СЎНГ, УЗОҚ ЙИЛЛАР ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА ХИЗМАТ ҚИЛДИ. БУ ДАРГОҲДА ЎЗИГА ХОС “ДИКТОРЛАР МАКТАБИ”НИ ЯРАТДИ, СУХАНДОНЛИК КАСБИНИ САНЪАТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРДИ.



Ўзбекистон телевидениесининг илк тарихи нафақат техник тараққиёт, балки инсоннинг сўзга, нутққа ва юксак маданиятга бўлган меҳри билан ҳам узвий боғлиқ. Бу тарихда биринчи бўлиб экран орқали миллионлаб томошабинларга мушоаат қилган, жозибали овози, тароватли қиёфаси ва самимий сўзи билан эл қалбидан жой олган инсон — Уктам Жобиров эди.

Уктам Жобиров нафақат гўзал нутқ соҳиби, балки миллий телемаданият асосчиларидан бири сифатида ҳам юксак эътирофга сазовор бўлди. Унинг нутқи табиий, талаффузи равон, сўз қўллаш услуби эса халқона ва шу билан бирга, жуда маданиятга эди. Шу жиҳатдан у кейинги авлод дикторлари учун ўзига хос устозга айланди.

Уктам Жобиров телевидениега бор қалби билан хизмат қилган инсон эди. У жонли эфирда сўзлаш, янгиликларни халққа етказиш, байрам тадбирларини олиб бориш каби масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажарган. Унинг ҳар бир чиқиши ортда катта тайёргарлик, нутқ маданиятига жиддий ёндашув ва томошабинга ҳурмат ётарди.

Унинг ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон теле-

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ БИРИНЧИ ОВОЗИ — ЎКТАМ ЖОБИРОВ

видениесининг шаклланиши ва камол топишида муҳим ўрин тутди. Шу маънода, Уктам Жобиров — нафақат биринчи диктор, балки миллий экран маданиятининг асосчиси сифатида тарихда қолди.

Дикторлар гуруҳи телевидениеда ҳамиша алоҳида бирикма бўлган. Лекин “Ахборот” макеи, таъсир кучи, обрўси инobatта олиними, бу гуруҳ шу дирекция қошида эди.

Мен ҳали талаба бўлсам-да, телевидение

даргоҳига 1968 йил сентябрдан кела бошладим. Биринчи бор Уктам акани кичик студия олдида учратганман. Теледастури ўқиши керак экан. Қўлидаги қорозга қараб-қараб кўяр, лекин эркин, дадил овозда шу кун кечки кўрсатувлар рўйхатини пастроқ овоз чиқариб такрорлар эдилар. Ҳа, у пайтда суфлёр бўлмаган. Уктам ака, аввало, хотираси кучли, руҳи баланд, топкир ва очик чеҳра инсон сифатида ҳамон ёдимизда.

сўхбатдошига қўмақлашар, камчиликларини тўлатиб кетар эди.

— Сиз шундоқ-шундоқ демоқчисизда, — деб кўярди уларга. Бундай далолатдан руҳланган сўхбатдош дарҳол ўзини “ўнглаб” оларди.

Уктам ака Жобиров умри давомида дикторлар авлодларини тарбиялади. Бунини уларнинг ўзлари айтганлар. Аммо устоз бошқа тахририятлар журналистлари, жумладан, менга ҳам кўп сабоқ берганди.

1972 йилда мен “Ёшлик” студиясида муҳаррир бўлиб ишлар эдим. Умуман, телевидениеда деса ҳам бўлади, илк бор аввалдан тайёрланган ва тасдиқланган сценарий билан эмас, тезислар асосида қўтилмаган саволлар бериб сўхбат ташкил этдик. Кўрсатув жонли ва тўғридан-тўғри эфирга берилар эди.

Бир сафар мен сўхбатдош ёш аёлдан “Илм ўрганаман деб турмушга чиқишни кечиктирганингиздан афсусланмайсизми?”, деб сўрадим. У бундай саволни ҳеч кутмаган эди. Шунда у бир неча сония ўйлаб қолди. Биз жонли эфирда эдик. Ҳар дақиқа ҳисобли. Лекин мен унга фикрини жамлаб олишига имкон бердим. Сониялар соатларга ўхшаб кетди. Тасаввур қилинг, экранда, миллионлаб томошабин кўз ўнгига жавоб кутаётган журналист-у, жавоб бера олмаётган аёл сукут сақлаб турар эдилар.

Шунда тўсатдан аёлнининг кўзи ёшланди. — Онам шу кунни кутиб оламдан ўтдилар, — деди у титрокли овозда. — Мен хато қилдим... Мен сўхбатни ҳарчанд бошқа йўналишга бурмай, сўхбатдошим “Аслида аёл учун оила бирламчи бўлиши лозим экан”, дея туриб олди.

Уша 70-йилларда бундай эркин, расмий ибораларга асосланмаган, ҳаётий сўхбат-кўрсатув биринчи бор эфирга узатилиши эди. Кўрсатув тугагач, бош муҳаррир Элбек ака Мўсаев олдиларига югурдим. Хона тўтунга тўлган. Олдиларидаги кулдон сигарет қолдигига тўлиб-тошган. Афтидан менинг эркин сўхбат қуришимга розилик берган раҳбарим кўрсатувни мендан икки баробар ҳаяжонланиб кузатган.

— Баракалла, — деди Элбек ака оталарча бағрига босиб. — Бизга, халққа мана шунақа самимий кўрсатувлар керак, аслида.

Шу заҳоти бош муҳаррир хонасига Уктам ака Жобиров кириб келдилар.

— Мухаммаджон, нималар қилиб қўйдингиз? Шу савол тасдиқланган сценарийда бормиди?

Мен гуноҳ иш қилиб қўйгандек ерга қарадим. Чунки тармоқ редакциялар тайёрлаган кўрсатувда бошловчи бўлиб чиқишга руҳсат беришда бош диктор розилиги ҳам зарур бўлар эди.

— Э баракалла, ука, — дедилар устоз чеҳраси очилиб. — Бошловчи сўхбатдошимнинг қалбига кириб бориши керак. Шундагина у ҳам қалбини очади. Бугун сиз шунга эришдингиз. Биз эса... расмий матндан чиқа олмаймиз.

Шу-шу Уктам ака то умрининг охиригача мени кўрганда елкамга энгилгина қоқиб “баракалла” дейишни қўймадилар.

Бу биргина сўз аслида мен учун устоз олдидаги улкан масъулият эди.

Мухаммаджон ОБИДОВ.



(Бошланиши 1-бетда).

Бирок “Нефтчи” учун 2010 йилги ички чемпионат омадсиз кечди. Бирданга беш поғона паства тушиб, 10-ўриндан жой олди. Шунингдек, 2013 йилда 9-ўрин, 2016 йилда 11-ўрин билан қиёвланди, 2017 йилда эса 15-ўринни эгаллаб, Суперлигадаги ўринни аранг сақлаб қолди. 2018 йилдаги омадсиз учрашувлар, кетма-кет мағлубиятлар, футболчиларнинг кўнимсизлигидан сўнг жамоа Проллигага тушиб кетди.

“Нефтчи”нинг ортга қадам ташлаб, ўзига мос бўлмаган ўйинлари билан мухлисларини ранжитган йилларда клуб раҳбарияти, бош мураббий бир неча маротаба алмашди, тажрибали футболчилар жалб қилинди, аммо вазият ўзгармади. Икки йилги танаффусдан сўнг “Нефтчи” яна Суперлигага қайтди ва кейинги йилларда ўртамеъна жамоалар каби ўйнади.

Ўтган мавсумни “Нефтчи” жамоаси аввалги йилларга нисбатан яхши ўтказди. Жамоа 43 очко жамгарган ҳолда, турнир жадвалининг бешинчи поғонасидан жой олди.

Бу йилги чемпионатда “Нефтчи” жамоаси совринли ўринни эгаллаши учун клуб раҳбарияти ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб таркибини қучайтиришга киришди. Жамоага ярим ҳимоячилар Аброр Исмоилов, Икром Алибоев, дарвозабон Элдорбек Сунонов, ҳимоячи Фаррух Сайфиев (“Навбахор”), ярим ҳимоячи Икром Алибоев (“Соннам”, Корея Республикаси), Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, мохир ярим ҳимоячи Жамшид Искандеров жалб этилди. Жамоамиз шарафини анча йиллардан буён ҳимоя қилиб келаётган тажрибали футболчилар билан шартнома муддати узайтирилди.

Эътиборлики, “Нефтчи” легионерлар ҳисобига таркибини қучайтириш ва ўйин услубини ўзгартиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда,

черногориялик ярим ҳимоячи Владимир Йовович (“Сўғдиёна”), ҳужумчилар Зоран Марушич (“Насаф”), Тома Табатадзе (“Навбахор”) ҳимоячи Йован Жокич (“Навбахор”) билан келишувларга эришилди. Ўз навбатида, клуб тажрибали мутахассислар ҳисобига мураббийлар штабини ҳам мустаҳкамлади.

Жамоамиз янги мавсумга тайёргарлик жараёнида ички йиғинлардан ташқари, Туркиянинг Анталия шаҳрида хориж жамоалари билан назорат учрашувларини ўтказди.

Жорий йилги чемпионат бошларида “Нефтчи” барқарор ўйин кўрсатолмаган бўлса-да, турдан турга футболчиларимизда жамоавий ҳаракат сезила бошлади. Бу эса муҳим очколарни қўлга киритишда муҳим аҳамият касб этди. Биринчи даврдан сўнг жамоа 30 очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллади.

Чемпионат танаффусида клубни тарк этган ярим ҳимоячилар Мухаммадали Ғиёсов, Жамшид Болтабоев “Навбахор”, Шоҳрух Гадоев “Қўқон - 1912”, Тома Табатадзе “Бухоро” жамоалари сафига қўшилди. Уларнинг ўрни ҳужумчи Алишер Одилов (“Навбахор”), ярим ҳимоячи Шаҳзод Нейматжонов (“Шўртан”), либериялик Силванус Нимели Қирғизистон терма жамоаси ҳужумчиси Жозел Кожо билан тўлдирилди.

Иккинчи давра сеvimли жамоамиз учун омадли кечди. Айниқса, ўз майдонидаги ютуқлардан ташқари сафардаги ғалаба ва дуранг натижадан “Нефтчи”ни турнир пешқадамига айлантирди. Футболчиларимиз мавсум тугашига икки тур қолганда, яъни 28 марта яшил майдонга тушиб, 18 марта ғалаба қозонди, 7 та учрашувда мурося йўли танланди, 3 ўйинда мағлубият қайд этилди. Рақиблар дарвозаси 45 марта аниқ нишонга олинган бўлса, 21 та тўп ўтказиб юборилди. Жамоа

61 очко жамғариб, турнир жадвалининг якка пешқадами бўлиб олди.

“Кизилқўм” билан учрашув олтидан Виталий Левченко шоғирдлари мавсум давомида жамоани қўллаб-қувватлаб турган мухлисларига ўз майдонида қувонч бахш этишни ният қилган. 22 ноябрь куни бўладиган ўйинда агар “Нефтчи” ғалаба қозонса, охириги тур натижасидан қатъи назар, жамоа олтинчи бор мамлакат чемпиони бўлади.

Шу ўринда, Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров “Нефтчи” клубини доимий равишда қўллаб-қувватлаб турганини айтиб ўтиш жоиз. Эътиборлики, яқинда Қирғули мавзесидagi “Нефтчи” футбол клубининг янгиланган қароргоҳи фойдаланишга топширилди.

1970 йилда бунёд этилган маъзур спорт мажмуаси замонавий талабларга мос равишда қайта бунёд этилиб, футболчилар учун барча зарур шароитлар яратилди. Худудда жойлашган ётоқхона, захира майдонлари, сув иншоотлари, ошхона, гулзор ва боғлар замонавий кўринишга келтирилди. Эндиликда бу ерда асосий жамоа билан бирга, аёллар, ёшлар жамоалари ҳам фаолият олиб боради.

Ноябрь ойи бошида эса ёш иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва кашф этиш, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Фарғона шаҳрида “Нефтчи” футбол академияси очилди. Замонавий марказда футболга ошувта ёшларнинг мукаммал машғулотлар олиб бориши, жамоавий шаклланиш ва шахсий ривожланиши учун барча имконият яратилди.

Эртага Фарғонада катта футбол байрами тантана қилинишига ишончимиз қомил.

Рустам ОРИПОВ.

## ЮРАКДАН ЧИҚҚАН МЕҲР БУ...

Инсоннинг қўлидан келадиган хайрли амалларидан бири бошқалар қалбига озгина бўлса-да кўтаринкилик бахш этиш ҳисобланади. Ана шундай эзгу қалбли инсонлар орқали яхшилиқ, меҳр ва инсонпарварлик туйғулари жамиятга сингиб боради.



Хуршидаҳон Асқарова кўп йиллар давомида Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг соғлом авлодни воёга етказиш йўлидаги хизматлари, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдаги фидойилигини ҳамкасблари қадрлашади.

Хуршидаҳон “Навбахор” қишлоғида “Қалб — меҳр чашмаси” деб номланган ижтимоий марказ ташкил этди. Ушбу маскан тез орада ногиронлиги бўлган болалар ва катталар учун ғамхўрлик қилинадиган кичик оилага айланди. Бу ерда тиббий кўрик ва реабилитация хизматлари билан бир қаторда, ижтимоий мослашув, руҳий қўллаб-қувватлаш ва маданий машғулотлар йўлга қўйилди.

— Ногиронлик — чеклов эмас, балки синов. Агар инсон атрофидан меҳр ва ишонч кўрса, у ҳар қандай тўсиқни ен-

га олади. Марказимизда ходимлар ногиронлиги бор фуқароларни соғлом ҳаётга қайтартиш, орзуларига эришишлари учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар, — дейди марказ раҳбари Хуршидаҳон Асқарова. — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар марказнинг ўзига, 18 ёшдан юқори беморларни ўзларининг талаб-истакларига кўра хонадонларида парвариш қилияпти. Сэй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаяпти. Кўп юрولмайдиган ёки инсултини бошидан кечирган ҳамқишлоқларимиз массаж ва руҳий далда сабаб қайта оёққа туришмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, марказда даволаш ишларидан ташқари, беморларни турли касб-хунарга ўргатиш ҳам йўлга қўйилди.

Фотима МАНСУРОВА.

Фарғона шаҳар “Савдо мажмуаси”нинг А блоги, 47-дўконда жойлашган ЯТТ “Tuychiyeva Feruza Muminjonovna”га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

|                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                        |
|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------|
| МУАССИС:<br>"Farg'ona haqiqati" va<br>"Ferganskaya pravda"<br>gazetalari fahriyiyati | 2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси<br>Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот<br>ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона<br>вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами<br>билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521. | Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида<br>тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2<br>формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган<br>вилояти, Қосонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 12239. | Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темуր кўчаси, 28-уй. |
| Бош муҳаррир:<br>Рустам ОРИПОВ                                                       | Газета жума куни чиқади. Адади: 1920 нуска.                                                                                                                                                                                         | Баҳоеси келишилган нархда.                                                                                                                                                                                                                | Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14                                 |
|                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                     | Навбатчи муҳаррир: Муаттар Махмудова.                                                                                                                                                                                                     | Саҳифаловчи: Алишер Розиков.                                           |
|                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                           | Боснига топшириш вақти: 16.00.<br>Топширилди: 15.30.                   |